## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

# ТОБОРА МУКАММАЛЛАШМОҚДА

**Олий Мажлиснинг навбатдаги XI-сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишлар ўзининг сўнгги палласига кирмоқда. Парламентдаги мухбиримизнинг маълумотларига қараганда қўмиталар ҳузурида тузилган ишчи гуруҳлари лойиҳаларни билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қайта кўриб чиқиб, жойлардаги депутатларга юборганлар. Шу боис айни пайтда тегишли қўмиталар, жумладан таҳририятимизга депутатлардан таклиф ва мулоҳазалар келмоқда.**

### ФЕРМЕР МАНФААТИ УСТУВОР

Фермер хўжалигини том маънода миллий мустақиллигимизнинг чин меваси деб аташ мумкин. Фермер – муайян хўжалик, ер, ёхуд мулкнинг ҳақиқий эгасидир. Маълумки, бизда узоқ йиллар давомида мулкнинг ҳақиқий эгаси бўлмади. Умуман ҳамманики, аслида эса ҳеч кимники бўлмаган мулкка муносабат хўжасизлик билан қоришиб кетди. Буни собиқ жамоа ва давлат хўжаликларидаги сут-товар фермаларининг аҳволидан билса бўларди. Чорвачилик бизда фақат зарар келтирар, пахтачиликдан келган фойдаю даромадни «ютиб» юборарди.

Фермер хўжаликлари эндиликда чорвачиликни ҳам сердаромад соҳага айлантириш мумкинлигини исботлади. Чунки бунда фермерлар чинакам мулкдорлар бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Шу боис йўлбошчимиз Ислом Каримов: «Инсон табиатан мулкдор бўлишни хоҳлайди. Бирон нарсага эгалик қилиш истаги инсон туғилган пайтдаёқ вужудга келади. Бу мулкка қанча кўп меҳнат сарфланган бўлса, эгаси учун у шу қадар қадрли бўлади» деб ҳақ гапни айтган эдилар.

Сессия кун тартибига киритиш таклиф этилаётган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фермер хўжаликларини ташкил этиш, фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаш билан биргаликда, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Ўзининг ҳалол меҳнати билан ризқ-рўз яратадиган фермернинг манфаати, албатта устувор бўлиши керак. Ана шу маънода қонун лойиҳасининг аҳамияти каттадир. Унда фермер хўжалигини ташкил этиш, ер бериш, ердан фойдаланиш, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, мол-мулкига бўлган мулкий ҳуқуқлари, хўжалик фаолиятининг асослари белгилаб берилган. Менинг назаримда лойиҳанинг мукаммаллиги шундаки, у фермер фаолиятининг барча ҳуқуқий асосларини қамраб олган.

Лойиҳада фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам белгилаб берилган. Демак, янги фермер хўжаликларини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам қонунлаштириб қўйилмоқда. Бу жуда яхши.

Вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси раҳбариятининг кўрсатмасига асосан вилоятдаги барча ҳуқуқий шахс мақомини олган фермерлар билан нефть маҳсулотларини етказиб бериш бўйича шартнома тузган. Энди ана шу шартнома асосида уларни ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш даркор.

Авваллари фермер хўжаликлари ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини жамоа хўжаликлари, ширкат уюшмалари орқали олишарди. Бу ерда кўзга кўринмас чайқовчилик, воситачилик ҳам вужудга келиб қоларди. Аслида эса бундай воситачиликка уларнинг ҳаққи йўқ. Ҳар бир фермер хўжалиги фермер хўжаликлари уюшмаси орқали фонд олиб, ўзлари мустақил равишда нефть маҳсулотларини бевосита корпорациянинг жойлардаги таъминот корхоналаридан олишлари керак.

Шуларни ҳисобга олиб, лойиҳанинг 27-моддасига: «Фермер хўжаликлари нефть ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан белгиланган фонд (жамғарма) ва нормативлар асосида нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхоналари томонидан таъминланади» деб қўшимча киритиш зарур. Ана шунда ўртадаги воситачига ҳеч қандай ҳожат қолмасди. Фермер хўжаликларининг иш юритиши учун энг зарур бўлган ёнилғи- мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш қонуний тартибда ҳал қилинган бўлар эди.

**Муҳаммадмўйдин РАҲМОНОВ,**
**52-Куйганёр сайлов округидан депутат.**

### АНЪАНАЛАРИМИЗ ҲАМ ҲИСОБГА ОЛИНСА

Мен энг аввало шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга йўналтирилган тўрттала қонун лойиҳасининг ҳам ҳозирги ҳолати аввалгиси, яъни биринчи ўқишда қабул қилинганидан анча фарқ қилади: улар, табиийки, умумхалқ муҳокамаси жараёнида тушган таклиф ва мулоҳазалар туфайли янада такомиллашган. Ҳақиқат, баҳслар туғилади, деганларидек ҳар қандай лойиҳа ҳам кўпчилик иштирокида муҳокама қилинса, фикр-мулоҳазалар билдирилса унинг янада сайқалланиши, мукаммаллашиши шубҳасиздир. Зеро, уларнинг умумхалқ муҳокамасига қўйилишидан кутилган асосий мақсад ҳам ана шундан иборат.

Шу ўринда мазкур лойиҳалар юзасидан айрим мулоҳазаларимни баён қилмоқчи эдим.

«Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 24-модда, 2-бандида: «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ташкил этилган пайтда унга қарзлар ва кредитлар беришда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ... ўз мол-мулкини гаровга қўйиб, кафил бўлишлари мумкин», дейилган. Шу банддан **маҳаллий ҳокимиятлар** сўзини чиқариб ташлаш керак. Чунки қонунга мувофиқ маҳаллий ҳокимиятлар мол-мулки гаров вазифасини ўтолмайди, деб ўйлайман.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг номи ихчамлаштирилиб, «Фермерлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса «Томорқа ҳақида»ги қонун лойиҳаси деб ўзгартирилса, уларнинг номланиши янада тушунарли ва халқчилроқ бўларди.

«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ўқиб, нозик бир ҳолатни кузатиш мумкин. Дейлик, бир оилада олти фарзанд бор. Деҳқон хўжалиги бошлиғи – ота. Томорқа эса умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган: уни ота ўзидан кейин кимгадир мерос қилиб қолдириши керак. Томорқа битта, фарзанд эса олтита. Ота шу пайтда томорқани кимга мерос қилиб қолдиради: катта ўғилгами ёки кенжасига? Унда қолган бештаси-чи? Шу боис лойиҳанинг бешинчи моддагача бўлган қисмига алоҳида банд ёки модда сифатида қуйидаги қўшимчани киритишни таклиф қиламан: «Деҳқон хўжалигини ташкил қилиш, уларнинг аъзоларини белгилаш, раҳбарини тайинлаш Фуқаролик кодекси, «Ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ҳамда миллий урф-одат ва анъаналар асосида мувофиқлаштирилади». Ана шунда пайдо бўлиши эҳтимолда тутилган низо ва келишмовчиликлар ўз-ўзича барҳам топган бўларди.

**Қосимжон ХОЛДОРОВ,**
**149-Сариосиё сайлов округидан депутат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ДАРОМАДНИНГ ЯНГИ МАНБАЛАРИ: У ЎЗИ НИМА?

### 4. МУЛКДАН КЕЛГАН ДАРОМАД

Мулкни ижарага бериш ёки сотишдан унинг соҳиби ихтиёрига келиб тушадиган пул мулкдан келган даромад дейилади. Бу даромад соҳиблари — ўз уйи бор кишилар хусусийлаштирилган уй-жой эгаларидан (улар 1 миллион нафарга яқин) ва 700 минг нафар акциядорлардан иборатдир. Булардан ташқари, қимматбаҳо мол-мулк эгалари ҳам мавжуд мулкни даромад топиш манбаига айлантиришади. Кўчмас мулкни ижарага бериш ижара пули шаклида даромад бера бошлайди. Мулкни сотиш ҳам даромад келтиради. Кейинги йилларда уй-жой харид этиш харажатларининг ортиб бориши кузатилмоқда, бу эса уй соҳибларига даромад бўлиб тегади. Мулк даромадини иқтисодчилар турлича талқин қилишади. Биринчидан, бу даромад манбаи давлат ҳисобидан аҳоли кўчмас мулкининг юзага келишини ва шу мулкнинг иқтисодий рўёбга чиқарилишини, бинобарин мулкдорлар сафи кенгайишини билдиради. Иккинчидан, бу аҳолининг кам таъминланган қатламлари ўз жорий сарфини ишлаб топган даромади ҳисобидан қоплай олмаганлиги сабабли ўз мулкидан ажралишини билдиради. Аммо барибир мулк даромадининг пайдо бўлиши ижобий ҳодиса, бу бозор иқтисодиётига хос даромадлар шаклланаётганлигидан далолатдир. Мулк қадр-қимматининг ортиши билан мулк даромадининг кўпайишини кутиш мумкин.

### 5. ТОМОРҚА — КОНИ ФОЙДА

Даромаднинг қўшимча манбаларидан яна бири томорқа хўжалиги бўлиб, бу жабҳа аввалдан мавжуд бўлган бозор хўжалигидир. Лекин ислоҳотлар томорқага янгича қиёфа бахш этди. Тўғри, илгари ҳам у эркин ишловчи хўжалик бўлгани учун, айниқса, қишлоқда муҳим даромад манбаи ҳисобланган, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўз ҳиссасини қўшган, деҳқон бозорини маҳсулот билан таъминлаган, баъзи маҳсулотни четга чиқаришда қатнашган. Томорқа майда товар хўжалиги сифатида табиатан бозор иқтисодиёти талабларига мос тушди, у бозор ислоҳотларини ўзига сингдира олди. Зотан, қишлоқдаги ислоҳот аҳолига томорқа учун қўшимча ер беришдан бошланди. Жами 500 минг гектар ерда янги томорқа хўжалиги вужудга келди. Мамлакат раҳбарияти бу соҳани ҳар тарафлама қўллаб-қувватлади, бу хўжалик солиқ юкидан озод қилинди, унинг соҳиблари нимаики зарур бўлса, эркин бозордан сотиб олиш имконига эгадирлар. Мазкур хўжаликка тўла-тўкис эркинлик берилиши ундан топилган даромадни кўпайтирди. **Агар 1991 йил аҳолининг ўз хўжалигидан олинган маҳсулотини сотишдан тушган пул унинг ялпи даромадида 9,7 фоизни ташкил этса, 1997 йил якунига кўра 22,3 фоизни ташкил этди. Демак, томорқанинг даромаддаги ҳиссаси 2,3 марта ошди.** Томорқа деҳқон бозоридаги маъмурчиликни таъминлаб турибди. Бозорни тўлдириб туриш томорқа соҳибларига даромад келтиради, албатта. Бу даромад турли оилаларда ҳар хил бўлиши турган гап, чунки улар томорқа билан ҳар хил даражада шуғулланишади. 1996 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра томорқадан келган пул даромади ишчи ва хизматчилар оиласи даромадининг 4,5 фоизини ташкил этса, бу кўрсатгич тадбиркорлик билан шуғулланувчилар (фермерлар)да 27,3 фоиз, жамоа хўжалиги аъзоларида 29,9 фоиз, нафақадорларда 11,9 фоизни ташкил этди. Умуман олганда аҳолининг ҳамма қатламлари учун томорқанинг аҳамияти сезиларли бўлиб қолди.

Томорқа келтирган фойдани фақат маҳсулот сотишдан келган тушумда, яъни пул билан баҳолаш хато бўлур эди. Зотан, аҳолининг каттагина қисми томорқада етиштирган маҳсулотини сотмай ўзи истеъмол қилади. Бунинг аҳоли учун қулайлиги бор. Натурал истеъмол туфайли аҳоли бозордан маҳсулот харид этиш ташвишидан қутулади, бу ишнинг харажатларидан ҳам озод бўлади. Бу маҳсулот маъмурчилигини таъминлайди. Инфляция шароитида аҳоли ўзини ўзи маҳсулот билан таъминлашга мойил бўлади, чунки жамғарилган пул ўз қадрини йўқотса, жамғарилган маҳсулот ўз қадрини сақлаб қолади ва ҳатто қимматлашув юз берганда, ортиб ҳам қолади. Натурал истеъмолнинг кенгайиб боришига табиий ҳол деб қараш керак ва унинг аҳоли даромадига қўшган ҳиссасини адолатли баҳолаш зарур. Мутасаддилар орасида натурал даромадни инобатга олмай пул даромадига қараб хулоса қилувчилар ҳам оз эмас. Ваҳоланки, дунё амалиётида аҳоли даромади аниқланганда пул тушуми, натурал истеъмол ва турли имтиёзлар ҳам ҳисобга олинади.

***

Биз юқорида даромад олишнинг турли манбаларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқдик. Лекин ҳаёт қоғозда белгиланган қоидалардан кенгроқдир. Юртимизда ҳалол меҳнатни кўнгил эҳтиёжи деб биладиган кишилар яхши яшаш учун даромад олишнинг барча манбаларидан қонунга риоя қилган ҳолда фойдаланмоқдалар. Тошкент шаҳар «Матбуот тарқатиш уюшмаси» акциядорлик жамияти аъзоси Равшан Исроиловнинг 1997 йилда топган даромади фикримизни тасдиқлайди. Бу кишининг ўтган йили иш ҳақи, мукофот пули ва моддий ёрдам бўйича олган пули 134.347 сўмни ташкил этган. Айни пайтда 1393 та акцияси учун 208.950 сўм дивиденд олган. Бундан ташқари, Ҳасанбой қишлоғидаги томорқасида узум етиштириб, каттагина даромад соҳиби бўлган. Кўриб турибмизки, бир киши ҳам иш ҳақидан, ҳам акциядан, ҳам томорқа хўжалигидан даромадга эга бўлмоқда. Демак, истак-хоҳиш бўлса, бой-бадавлат яшаш ўз қўлимизда. Р. Исроилов меҳнат қилаётган жамоадаги акциядорлардан 80 нафари маҳаллалар, гузарларда рўзнома дўконлари очишиб, шартнома асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишяпти.

Бозор муносатлари кенг кўлам касб этаётган юртимизда даромад олишнинг янгидан-янги шакллари ҳаётий воқеликка айланмоқда. Интеллектуал имкониятларни ишга солиш орқали даромаднинг янги манбалари пайдо бўлаётгани қувонарлидир. Бинобарин, мактаб ўқитувчилари шўро даврида иш ҳақи ва томорқадан ташқари даромад олишни хаёлларига ҳам келтиришмасди. Эндиликда репититорлик қилиш орқали мўмай фойда эгаси бўлиш ҳар бир ўқитувчининг ихтиёридадир. Бундай имкониятга бебаҳо неъмат — мустақиллик туфайли эга бўлдик.

Шу билан бирга бу йўлда имкониятлардан кенг фойдаланишга халал бераётган омиллар учраётганлигини таъкидлаш керак. Аксарият ҳолларда эскича фикрлаш, боқимандалик исканжасидан қутулиш осон кечмаяпти. «Биз учун давлат қайғуради» деган қараш баъзиларнинг хаёлини тарк этмаётгани билан муроса қилиб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти тайёрга айёрлик психологиясини қабул қилмайди. Ҳануз баъзи идораларнинг раҳбарлари маъмурий-буйруқбозлик усулини қўмсаб туришибди. Улар эскича тақсимот тамойилларига ёпишиб олишган. Шу боис ҳам бугунги тадбиркор ва ишбилармонлар оддий бир имзо ёки муҳр учун идоралар орасида бўзчининг мокисидай қатнаб сарсон бўлишяпти. Даромад салмоғини кўпайтириш учун корхоналарда тайёрланган маҳсулотни тезроқ истеъмолчига етказиш, бунинг учун маркетинг ишини ривожлантириш тақозо этилади. Аммо ҳануз омборга ишлаётган корхоналар сони анча-мунча эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Рақобатбардош маҳсулот чиқариш бу борада муҳим вазифа саналади. Лекин монополиянинг сақланиб келаётганлиги умум ишимизга тўсиқ бўлаётир. Хуллас, бозор механизмини тўла қувват билан ишга тушириш юқорида тилга олинган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишни талаб қилади.

**Аҳмаджон ЎЛМАСОВ,**
**Ўзбекистон Банк-молия академияси кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.**
**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

### ЯНГИ МУЗЕЙ

Собиқ Кат — ҳозирги Беруний шаҳрининг энг сўлим жойларидан бирида буюк аллома Абу Райҳон Беруний музейи қад тиклайди. Музей мажмуаси қурилиши учун айни кунларда улуғ бобомиз номи билан аталиб келаётган 11,5 гектарлик катта боғнинг марказий қисми танлаб олинди.

Мажмуа музей — мақбара, буюк аллома ҳайкали, меҳмонхона, чойхона кабилардан иборат бўлади. Бу улкан қурилишнинг асосий буюртмачиси «Беруний авлодлари» республика жамғармасидир.

Бўлажак мажмуа атрофини кўкаламзорлаштириш ишлари ҳозирнинг ўзида авж олиб кетди. Шу мақсадда бу ерга 2 минг дона арча ва бошқа манзарали дарахтларнинг кўчатлари ўтказилди.

«Беруний авлодлари» жамғармаси мазкур музей мажмуасининг улуғ олим таваллудининг 1025 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилишига умид боғламоқда.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЁРУҒ КУНЛАР

**Мустақил давлат сифатида фаолият бошлаганимизга — жаҳон харитасида Ўзбекистон Республикаси деган мамлакат пайдо бўлганига ҳадемай етти йил бўлади. Етти йил бу кўҳна олам учун бир лаҳзалик муддат аслида. Аммо ана шу қисқагина вақт ичида мамлакатимизда рўй берган ўзгаришлар, халқимиз эришган ютуқлар салмоғи бир неча ўн йилларга тенг. Буни наинки ўзимиз, узоқ-яқиндаги дўстларимиз ҳам, рақибларимиз ҳам, халқаро ташкилотларнинг мутахассислари ҳам эътироф этмоқдалар.**

Истиқлолнинг дастлабки йилидаёқ йўлбошчимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил асосида ислоҳотларнинг қатъий ва изчил амалга ошира бориши натижасида юртимизда ой сайин буюк ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозир мен бу ўзгаришу ютуқларни бирма-бир санамоқчи эмасман, балки биргина масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман, холос.

Беш-олти кун бурун Буюк Британиянинг “Би-би-си” радиоси “ЎзДЭУавто” қўшма корхонаси маҳсулотларининг Россия бозорларига кириб бориши ҳақида бир эшиттириш берди. Москвалик журналист тайёрлаган мазкур эшиттиришдан айрим фикрларни келтирмоқчиман: “Ўзбек “Нексия” автомобилининг пайдо бўлиши собиқ шўро автомобилсозлик маконида юзага келган илк ўзгаришлардан бўлди. Бугунги кунда Россия шаҳар ва қишлоқларига ўзбек “Нексия”сининг кириб келиши Россия автомобилсозларини шиддатли рақобат билан юзма-юз этмоқда”.

“ЎзДЭУавто” корхонаси ишга тушганига ҳали икки йил ҳам бўлгани йўқ. Бироқ шу қисқа муддатда мазкур қўшма корхона маҳсулотлари — “Нексия”, “Тико”, “Дамас” машиналари бир қанча давлатлар бозорига кириб борди. Ҳатто бир неча турдаги машиналар ишлаб чиқариб келган Россия бозорларидан ҳам бу автомобиллар ўз ўрнини топмоқда.

Москвада нашр этиладиган “Труд” газетаси шу кунларда бир реклама бермоқда. Унда “ЎзДЭУавто” акциядорлик жамиятининг машиналари таклиф этилади. Ўша рекламада “ЎзДЭУ”нинг машиналари ўн хил рангда экани ва бошқа бир қатор имкониятлари борлиги баён этилган. Энг муҳими, Россиянинг ўн олти шаҳрида “ЎзДЭУ-авто”нинг диллерлари борлиги маълум қилинган. Мана ўша шаҳарлар: Москва, Владимир, Ярославль, Тула, Санкт-Петербург, Череповец, Екатеринбург, Пермь, Қозон, Тюмень, Новосибирск, Краснодар, Омск, Томск, Оренбург, Саратов.

Бу рўйхатни атайлаб келтирдим. Кўриниб турибдики, ўзбек автомобили Россиянинг деярли барча минтақасига кириб борган.

Шўро ҳукумати энг авжига чиққан 1970 йилларни яхши эслайман. Ўша йилларда оддийгина “Запорожец” ёки “Москвич” машинасини олиш минг машаққат эди. “Жигули”, “Волга”ни айтмаса ҳам бўлади. Ишхоналарда навбатга ёзилар, ундан сўнг район ижроия қўмиталарида сарсон-саргардонлик бошланарди. Энг алам қиладиган жойи - албатта “шапкаси” берилларди. Ўзи-ку бир машинага етгулик маблағ тўплаш осон эмасди, пулинг бўла туриб уни ололмаслик янада алам қиларди. Аслини айтганда нима сотиб олиш осон эди ўша йиллари? Гиламми, мебелми, мотоциклми? Нима? Оддийгина чинни идишлару пойабзални айтинг. Таниш-билишсиз иш битмасди. Қиз узатмоқчи ёхуд ўғил уйлантирмоқчи бўлган ота-она гилам деб кимгадир ялиниб борса, арзимаган жемпер деб яна кимнингдир эшигида сарғайиб ўтирарди. У вақтларни кўрмаган ёшлар учун бу гаплар эҳтимол ажабланарли, эртак мисоли туюлар. Аммо бор ҳақиқат шундай эди.

Бугун магазинларни, бозорларни бир айланинг, нима йўқ?! Истаган нарсангиз топилади, бунинг устига танлаб олиш имкони бор. У вақтларда кундалик ишлатиладиган чинни идишлар, атласу бахмал топиш ҳам муаммо эди. Ваҳоланки, булар ўзимизда, яъни Ўзбекистонда ишлаб чиқариларди. Лекин Ўзбекистон ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга ўзи эгалик қила олмасди. Ишхоналардан заводларга, магазину савдо идораларига илтимосномалар ёзиб, чинни буюмлар, бир-икки кийимлик атлас, духоба олинар эди.

Такрор айтаман, бугун бу маҳсулотларнинг қайси бирини топиш муаммо? Ҳаммаси, боз устига ранг-баранги мавжуд. Биламан, кимдир нархи-чи, баҳоси қиммат-ку деб, эътироз билдириши мумкин. Балки шундайдир. Мен фалон нарса 70-йилларда бунча эди, ҳозир бунча, деб таҳлил қилмоқчи эмасман. Бошқача айтганда, мен айнан бозорларимизнинг тўкин-сочинлиги хусусида гапиряпман. Қолаверса, борингки, нархи сал баландроқ бўлса ҳам ўша нарсанинг борлиги, истаган пайтингизда сотиб олиш имкони мавжудлиги муҳим. Чунки қимматроқ бўлса иккита эмас, битта, ўн кило эмас, беш кило оларсиз. Бироқ чўнтагингизда пул бўла туриб керакли нарсани тополмай, кимгадир ҳам ялиниб, ҳам ортиқчаси билан пул бериб, яна унга қуллуқ қилиб минг марта раҳмат айтиб нарса олишдан худо асрасин...

Бу фикрлардан хулоса шуки, истиқлол имкониятларимизнинг намоён бўлиши учун шароит яратмоқда. Шўро давлатининг хомашё ўлкасига айланган Ўзбекистон бугун ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозоридан ўрин олмоқда. Айни чоқда дунё мамлакатларининг маҳсулотлари бизнинг бозорларимизга кириб келмоқда.

Дарвоқе, гапни ўзбек машинаси ҳақида бошлаган эдик. Аллоҳга шукроналар бўлсинки, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” (“Маде ин Узбекистан”) деб ёзилган автомобиллар бир неча мамлакатларнинг шаҳар ва қишлоқларида юрибди. Ўтган йили Истамбул кўчаларида “Нексия” машинасини кўрганимда кўнглим тоғдай кўтарилган, қалбим ғурур ва ҳаяжонга тўлиб-тошган эди. Энг муҳими, бугун машина сотиб олиш имкониятига эга ҳар бир одам истаган вақтида қанақа автомобиль хоҳласа, шунақасидан ҳеч кимга ялинмай, ҳеч қанақа “шапка” бермай харид қилиши мумкин.

Мустақиллик нима берди, шўро даврида ундоқ эди — мундоқ эди, деган гаплар, минг афсуски, ҳозир ҳам баъзан қулоққа чалиниб қолади. Ўшанақа фикрловчи одамларга юқоридаги гапларни такрор ва такрор айтгим келади. Ва яна бир нарсани таъкидлашни истайманки, бу ерда келтирилган мисоллар истиқлол берган имкониятларнинг юздан, эҳтимол, мингдан биридир. Бунинг устига, булар атиги олти ярим йилнинг самаралари. Агар юртимиздаги бунёдкорлик шу суръатда, шу изчилликда давом этаверса яна ўн-ўн беш йилдан кейин не-не оламшумул ўзгаришларнинг гувоҳи бўламиз.

Аллоҳ насиб этса, Президентимиз башорат қилган кунлар — Ўзбекистонимиз чинакам, ҳақиқий буюк давлатга айланадиган кунлар узоқ эмас. Ўлкамизда осойишталик, барқарорлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик устувор, бунёдкор халқимиз, юртимиз, элимиз учун фидойи йўлбошчимиз бор экан, ўша нурли, ёруғ кунларга албатта етажакмиз, иншооллоҳ.

**М. ҲАЗРАТҚУЛОВ,**
**(ЎзА).**



*Ҳар нарсанинг ўз вақти, ўз фурсати бўлади. «Темирни қизиғида бос» деган мақол беҳуда айтилмаган асли. Ҳар неки юмуш ўз вақтида адо этилса, самараси кутилганидан зиёда бўлади. Бугуннинг аъмоли ҳеч қачон эртага қолмасин. Аслида бу бизнинг ҳам, фотомухбиримиз-Тоҳиржон Ҳамроқуловнинг ҳам гапи эмас. Бу Бўз туманидаги Манноб Жалолов номли ширкат хўжалиги 4-бўлим бошлиғи Фотима Исроилова (суратда)нинг ақидаси. Ушбу ақидага амал қилган бўлим деҳқонлари бу йил яхши ният билан чигит қадалган 425 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариш ниятидалар.*

НИГОҲ

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

## У Ўзбекистон-Белгия муносабатларида ҳам тўла акс этмоқда

Европада қирққа яқин мамлакат бор. Уларнинг аксарияти иқтисодий ва маданий соҳада юксак даражага эришган, бой демократик анъаналарга эга. Халқнинг турмуш даражаси ҳам шунга яраша. Жон бошига тушадиган йиллик даромад кўрсаткичи эса тобора ўсиб бормоқда. Бу табиий ҳол. Аммо Европа бундай ҳайратомуз муваффақиятга қандай эришди?

Бунинг асосий сабабларидан бири, ўзаро тенглик асосида ташкил этилган Европа Иттифоқига бирлашуви бўлди десак, муболаға қилмаган бўламиз. Бу ўринда Голландиянинг Маастрихт шаҳрида имзоланган шартномани ёдга олиш ўринли. Зеро, мазкур шартномада Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ягона бозори, ягона пул бирлиги – ЭКЮ (ўзаро ҳисоб-китобларда), бож ва солиқ сиёсатини юргизиш ҳамда сармоя ва ишчи кучининг эркин ҳаракатига кенг имкониятлар яратилган эди. Тўғри, Иккинчи жаҳон уруши Европа давлатларига катта иқтисодий зарар етказди. Бироқ ўтган ярим аср ичида европаликларнинг ўзаро тушуниш ва манфаатли ҳамкорлик йўлида олиб борган саъй-ҳаркатлари уларга турмуш яхшиланишига ёрдам берди.

Бугунги кунда 15 давлатни бирлаштириб турган «Умумеврoпа уйи»да 400 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Мамлакатимиз ҳукумати кейинги йилларда ушбу давлатлар билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлидан дадил бормоқда. 1996 йилнинг июнида Европа Иттифоқи билан мамлакатимиз ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланган тарихий битим фикримиз далилидир. Айни пайтда республикамизнинг Европа Иттифоқи билан муносабати фақат мазкур битим билан чекланиб қолганича йўқ. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Европа давлатлари ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ҳам ўзининг илк натижаларини бермоқда. Қолаверса, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада ривожлантиришда европаликларнинг бозор иқтисодини шакллантириш йўлидаги бой тажрибалари бизга қўл келади. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган салоҳияти, бой хомашё ресурслари Европадаги ҳам-



корларимизни ўзига чорламоқда. Ўзбекистон ва Белгия ўртасидаги алоқаларни ҳам ана шу ўзаро интилишларнинг самараси сифатида баҳоламоқ жоиз.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг бундан икки йил муқаддам Белгияга қилган расмий ташрифи халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарди. Айни пайтда Ўзбекистон-Белгия алоқалари барқарор тус олмоқда. Хусусан, 1996 йилда ўзаро товар айрибошлаш ҳажми 1995 йилга нисбатан бир неча фоиз ошиб, 94 миллион долларни ташкил этди. Ўтган йили эса ушбу кўрсаткич 150 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Аммо бу икки мамлакат имкониятлари даражасида эмас. Зеро, бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжуд.

Белгия Қироллиги Бош вазири Жан-Люк Деханенинг куни кеча мамлакатимизга қилган расмий ташрифи мобайнида бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида ҳам Президентимиз бу ҳақда гапириб ўтди. Жумладан, ҳар икки мамлакатда гилам ишлаб чиқариш, машинасозлик, нефть-газ саноати, банк инфратузилмаси, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик кўламларини кенгайтириш имкониятлари каттадир. Табиийки, бу борада алоқаларни янада чуқурлаштириш ҳар икки томон учун ҳам истиқболлидир. Бош вазир Жан-Люк Дехане Ўзбекистон йўлига, хусусан, унинг раҳбариятининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва давлатлараро иқтисодий интеграциялашув жараёнларини фаоллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини эътироф этиб, икки мамлакат ўртасидаги тенг манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан Президентимиз билдирган таклифларни қўллаб-қувватлади.

Мазкур ташриф давомида ўзаро алоқаларни кенгайтиришга қаратилган кўплаб хужжатлар имзоланди. Ушбу ҳужжатлар эса мавжуд алоқаларга янгича руҳ бағишлайди. Негаки, уларда ўзаро ҳамкорликнинг турли қирралари кафолатланди. Муҳими, бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида ҳар икки мамлакат ҳам бир-бирига нуфузли шерик эканлиги алоҳида қайд этилди. Бу эътироф Ўзбекистоннинг Европа ишбилармонлари учун ҳам энг ишончли шерик эканлигини яна бир бор далиллади.

Белгия Қироллиги Бош вазири Жан-Люк Деханенинг ўзаро ҳурмат руҳида ўтган ушбу расмий ташрифини мамлакатларимиз ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам сифатида баҳоламоқ лозим. Унда эришилган аҳдномалар эса ўзаро манфаатли муносабатларимизнинг истиқболи порлоқ эканлигига қатъий ишонч уйғотади.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Ижтимоий-сиёсий ва тарихий-бадиий нашримиз — «Мулоқот» журналининг иккинчи (март-апрель) сони босмадан чиқди. Журнал ис-

# «МУЛОҚОТ»НИНГ ЯНГИ СОНИ

тиқлол ва маънавиятимиз ҳақида мушоҳада юритган Абдувосит Йўлдошевнинг «Миллий ифтихор туйғуси» деб номланган мақоласи билан очилади. Олимлар — Б. Манноновнинг «Туркистон ва Марказий Осиё» ва Хуррам Ҳайдаровнинг «Дунёвий хавфсизлик калиди» мақолалари Марказий Осиёда тинчлик, тараққиёт ва иқтисодий муаммолар ҳақида баҳс юритса, Н. Ражабованинг «Зулму ситам йўлини тўсдим» мақоласи миллий давлатчилигимизнинг теран томирлари ҳақида ҳикоя қилади.

Журналнинг ушбу сонида ўқувчилар йирик матбаачи ва олим Ислом Шоғуломов ва таниқли иқтисодчи, Саноат қурилиш банки бошқаруви раиси Ўткир Неъматов билан «юзма-юз» учрашадилар. Файласуф олим А. Эшонқулов ушбу сонда одоб ва ахлоқ ҳақида муҳокама юритган «Инсон фазилати билан улуғ» мақоласи билан қатнашган. Журналист Д. Саъдуллаевнинг «Иймондан айрилган бахтли бўлмас» деган чиқиши ҳам юқоридаги мақоланинг мантиқий давоми бўлиб, у одамийлик ва ҳалоллик ҳақидадир.

Ушбу сондаги ёзувчи Аҳад Ҳасаннинг «Дунё яхшиликдан яралган» номли эссеси ёзувчи Садриддин Айний ҳаётининг ажойиб саҳифалар ҳақидаги янги тадқиқот бўлиб, журналхонлар учун ўзига хос туҳфадир. Маънавиятимиз ихломсандлари янги журналдан «Чоркитоб»дан боблар, таниқли олим Ботир Валихўжаевнинг «Шайх Ховanди Таҳур», Муҳаммаджон Қодировнинг «Инжил» мақолаларини ўқийдилар. Шунингдек, Паҳлавон Маҳмуднинг фалсафаси ҳақида фикр юритувчи олим С. Ҳасановнинг «Суянч тоғи, ишонч боғи» мақоласи ҳам ўқувчилар учун бир олам янгиликлар бериши мумкин. Асрлар гувоҳи бўлган мадрасалар пештоқидаги ёзувларни яхши тушунадиган олим Мирза Барот ҳақидаги «Маданий меросимиз билимдони» мақоласини тадқиқотчи Р. Бойтуллаев ёзган.

Шунингдек, журналнинг иккинчи сонида олимларимизнинг сиёсатшунослик, маданият ва маънавиятимизга оид кичик-кичик тадқиқотлари берилган. «Ҳажв» рукнидаги саҳифада таниқли адиб Саид Аҳмаднинг «Устара тиғидаги битиклар» деган умумий сарлавҳа остидаги кичик ҳажвиялари ўрин олган. Унга журнални безаган мусаввир Ҳусан Содиқов расмлар ишлаган.

«Мулоқот» дафинаси ҳам ўз ишқибозларига дунёдаги қизиқ-қизиқ янгиликлар ва ажойиботларни тақдим этган.

Журнал зарварақларида мусаввирлар Жўра Асроннинг «Хожа Аҳрори Валий», Ортиқали Қозоқовнинг «Водий» асарлари эълон қилинган. Унда шу кунимиз учун ҳаётий бўлган ҳадислар, ҳикматларни ҳам ўқишингиз мумкин.

Ўйлаймизки, «Мулоқот»нинг янги сони Сиз учун беминнат маслакдош бўлади.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

## ХУФЁНА ГОНОРАР

ТОКИО. Ўтган йил ноябрь ойида Японияданги "Ямаити секюритиз" брокерлик компанияси ўз фаолиятини тўхтатган эди. Полиция маҳкамасининг хабарига қараганда, компания раҳбарияти жиноятчилар гуруҳи билан алоқада бўлган ва уларга хуфёна равишда гонорар тўлаб турган. Бундан ташқари, компания бир неча йиллардан буён мижозларга ўз қарзларини тўлай олмаган.

"Ямаити секюритиз" Японияда қимматбаҳо қоғозлар савдоси билан шуғулланувчи компаниялар орасида етакчи ўринлардан бирида турар эди.

## ЦЮ ДАСЮННИНГ ЭЪТИРОФИ

ПЕКИН. Сўнгги тўрт ой давомида хитойлик мина тозаловчилар Вьетнам билан чегарадош Гуанси-Чжуан тумани ерларини бу ажал уруғларидан тозалаб чиқди. Ҳарбий маъмурлардан бири — Цю Дасюннинг эътироф қилишича, текширишлар натижасида 21 минг донадан зиёд мина топилган ва зарарсизлантирилган. Маълумки, бу миналар икки мамлакат ўртасида бўлиб ўтган уруш вақтида кўмилган эди.

## ИККИ ЙИРИК ОПЕРАЦИЯ

РИМ. Италия уюшган жиноятчиликка қарши кураш органлари мамлакатнинг жанубий ҳудудларида мафия гуруҳларига қарши икки йирик операцияни ўтказди. Режо-ди-Калбария шаҳрида ўтган тезкор тадбир натижасида жиноий гуруҳ аъзоларининг бир қисми ҳибсга олинди. Шунингдек, полиция маҳкамаси мафия гуруҳининг 30 миллиард Италия лираси миқдоридаги маблағини (16,6 миллион АҚШ долларига тенг) ҳам мусодара қилди.

Иккинчи жиноий гуруҳ Апулия вилоятида қўлга олинди. Улар қурол-яроғ ва гиёҳвандлик моддалари савдоси ҳамда талончилик билан мунтазам шуғулланиб келган.

СПОРТ

# ТЕННИС МАЙДОНИДА ЖУРНАЛИСТЛАР

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими пойтахт спорт қўмитаси билан ҳамкорликда Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган «Бойчечак» журналистлар мусобақасини ташкил этди.

Кеча ушбу мусобақанинг нимчорак ва чорак финал учрашувлари бўлди. Унда «Спорт», «Ўзбекистон футболи», «Ҳуррият», «Маърифат», «Народное слово», «Молодёж Узбекистана», «Ўзбекистон автомобилчиси», ЎзА ва бошқа матбуот нашрларининг муҳаррир ҳамда мухбирлари иштирок этди. Рақибларини йирик ҳисобларда мағлуб этган Айрат Ялалов («Ўзбекистон автомобилчиси»), Алексей Комилов («Молодёж Узбекистана»), Алимурод Мамадаминов (ЎзА)ларнинг ўйини ишқибоз-у мутахассисларда яхши таассурот қолдирди.

Чорак финал баҳсларида С. Данилов устидан 6/0 ҳисобида ғалаба қозонган А. Мамадаминов ҳамда мураккаб беллашувларда ўз рақибларини мағлуб этган Д. Михайлов , А. Комилов ва бошқа ғолиблар ярим финалга йўлланма олишди.

Бугун «Пахтакор» кортларида ярим финал ва финал учрашувлари бўлиб ўтади. Мусобақа ғолибларига Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда «Ҳуррият» газетаси томонидан қимматбаҳо совғалар ажратилган.

**Нормурод МУСОМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ



Қирғизистонда Марказий Осиё ёшлар командалари ўртасида футбол бўйича халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Унда 10 та команда иштирок этди.

Ўзбекистон ёшлар терма командаси ўз гуруҳида ғалабага эришиб, финалда мусобака мезбонлари — Қораболти шаҳрининг "КВТ-Динамо" командаси спортчилари билан учрашди. Ўзбекистонликлар рақиблар дарвозасига 3 та тўп киритдилар, ўз дарвозаларидан тўп ўтишига йўл қўймадилар. Натижада Ўзбекистон ёшлар командаси мусобақа ғолиби бўлди.

# ҒОЛИБЛАР МОСКВАГА БОРАДИ

Жиззахда эркин кураш бўйича республиканинг 11 нафар янги чемпиони аниқланди. Улар Ўзбекистоннинг биринчи ёшлар ўйинларида энг яхши натижа кўрсатишди.

Мусобақа ғолиби Баҳодир Бобониёзов Ўзбекистон чемпиони номини олган биринчи қорақалпоғистонлик спортчидир. Ғолиблар орасида Тошкентдан Фарҳод Машрабов, Шерзод Абдувалиев, Отабек Пардақулов, Жаҳонгир Абдураҳмонов ва Тўлқин Бўроновлар бор.

Самарқандлик Дилшод Мансуров, Равшан Абдуғаффоров, жиззахлик Зоир Азимов, Равшан Холдоров ва Жаҳонгир Муродов мусобақанинг олтин медалини олишга сазовор бўлди.

Республиканинг янги чемпионлари шу йил июль ойида Москвада бўладиган Жаҳон ёшлари ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Команда ҳисобида тошкентликлар ғолиб бўлди.

**(ЎзА)**

СПОРТ


# "ОБИ ҲАЁТ" АИК акционерлари диққатига!

1998 йилнинг 22 майида Тошкент шаҳрида "Оби ҳаёт" акциядорлик инвестиция компанияси акционерларининг умумий мажлисини ўтказади

КУН ТАРТИБИ:

1. "Оби ҳаёт" АИКнинг 1997 йил якунлари ва 1998 йилда унинг ривожланиш истиқболи тўғрисида.
2. Тафтиш комиссиясининг хулосалари тўғрисида.
3. Акционерлик компаниясининг Низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.
4. Ҳар хил масалалар:
4.1 "Оби ҳаёт" АИК кузатув кенгашига ўзгартириш киритиш ҳақида.
4.2 2-чи босқич хусусийлаштиришда қилинган ишлар натижаси тўғрисида.
4.3 Давлат акциясининг улушига чиққан дивидендларга асосий воситалар олиш ҳақида.

**Акционерлар 1998 йил 21 май соат 10.00 дан 18.00 гача, 22 май соат 9.00 дан 9.30 гача рўйхатдан ўтишлари мумкин. Мажлис эрталаб соат 10.00 да бошланади.**

"ОБИ ҲАЁТ" акциядорлик инвестиция компаниясининг 1998 йил 1 январи ҳолатига бухгалтерия баланси

| АКТИВ | Минг сўм | ПАССИВ | Минг сўм |
|---|---|---|---|
| 1. Номоддий активлар (қолдиқ қиймати) | 2513 | 1. Устав фонди | 44523 |
| 2. Асосий воситалар (қолдиқ қиймати) | 8089 | 2. Заҳира фонди | 159 |
| 3. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар | 42088 | 3. Турли фондлар | 13311 |
| 4. Ишлаб чиқариш заҳираси | 1923 | 4. Ҳисобот йили фойдаси | 2706 |
| 5. Пул маблағлари | 6283 | 5. Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси | 24255 |
| 6. Дебитор қарзлар | 45815 | 6. Келгуси давр даромадлари | 15085 |
| | | 7. Меҳнат ҳақи қарзи | 284 |
| | | 8. Бюджетдан қарз | 807 |
| | | 9. Ижтимоий суғурта қарзи | 116 |
| | | 10. Бюджетдан ташқари тўловлар қарзи | 20 |
| | | 11. Кредитор қарзлар | 4759 |
| | | 12. Узоқ муддатли қарзлар | 686 |
| БАЛАНС | 106711 | БАЛАНС | 106711 |

Бухгалтерлик ҳисоботи "Бухгалтер" аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.

585



# ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

## БИРИНЧИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИГА (РАСМ ДАФТАРИ, ҚАЛАМДОН, 12 ВАРАҚЛИ ДАФТАР) ҚЎШИМЧА ТАНЛОВ ЎТКАЗАДИ.

ТАНЛОВДА ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ, "ЎЗБЕКСАВДО", "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ", ҚЎШМА КОРХОНАЛАР, ЧЕТ ЭЛ ФИРМАЛАРИ ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАР ЎЗ МАҲСУЛОТ НАМУНАЛАРИ БИЛАН ҚАТНАШИШЛАРИ МУМКИН.

ТАНЛОВДА САРАЛАБ ОЛИНГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН ШАРТНОМАЛАР ТУЗИЛАДИ.

ТАНЛОВ 1 МАЙ КУНИ ВАЗИРЛИКНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ, 5.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАРГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ: 68-75-46, 68-85-42, 68-94-36.

581


Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмита раҳбарияти ва жамоаси бош иқтисодчи К. Юсуповга отаси

**КАРИМ ака**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази жамоаси марказнинг бошқарув аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Ориповга отаси

**Ориф ота УБАЙДУЛЛАЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва жамоаси қўмита раисининг ўринбосари Шодмонбек Раимовга падари бузруквори

**Умар РАИМОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг жамоаси республика телевидениеси бош директорининг ўринбосари Рустам Ғаниевга падари бузруквори

**Ғани ота ҚУДРАТОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 011138, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 21.40 1 2 3 4 5 6